

РИШТОНДА ЙИРИК ПИСТА ПЛАНТАЦИЯЛАРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Риштон туманида тадбиркор Қодиржон Қосимов томонидан барпо этилаётган Эрон хандон пистаси плантацияси билан танишди.

“Навбаҳор” МФЙ ҳудудида сувсиз, тошлок ҳудудда жойлашган мазкур плантацияда бугунги кунда 35 гектар ҳудудда писта кўчатлари ўтқазиш ишлари амалга оширилмоқда. Келгуси йилда барпо этилаётган пистазор ҳудуди 200 гектардан ошиши кўзда тутилмоқда.

Тадбиркор билан мулоқот давомида хандон пистани замонавий етиштириш технологиялари ҳамда пистазорлар барпо этиш учун лозим бўлган ер ва иқлим шароитлари, кўчат етиштиришнинг янги усуллари муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими, ташкил этилаётган пистазорларда вертикал суғориш қудуқларини (скважинани) бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг 120 миллион сўмгача бўлган қисми қисми фермер, дәхқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi томонидан субсидия билан қоплаб берилишини маълум қилди.

Маълумки, бизда мавжуд технологиялар асосида экилган писта 11-12 йилда ҳосилга киради. Бир туп дараҳтдан 200-300 грамм ҳосил олиш мумкин. Янги плантацияларни такомиллашган технология асосида барпо этиш кўзда тутилган. Яъни, кўчатхонада ўстирилган ниҳолга иккинчи йил навдор писталардан олинган куртак пайванд қилинади. Учинчи йилдан уни очиқ майдонда экиш мумкин. Ушбу технологияда экилган писта 7-8 йилда ҳосилга киради. Ҳосилдорлик эса бир тупда 40-50 килограмгача этиши мумкин.

Тумандаги Пандигон МФЙда Қодиржон Қосимов писта кўчати етиштириш билан ҳам шуғулланиб келади. Бугунги кунда пистачилик илмий маркази, лаборатория, иссиқхона, кўчат етиштиришни ўзида жамлаган “Агромактаб” ҳам ташкил этишга киришган.

Хозирда Риштоннинг кўплаб тадбиркорлари камҳосилли, унумсиз боғларни бузиб, ўрнига пистазор ташкил этишни бошладилар. Қодиржон Қосимов уларни ҳам кўчат билан таъминлаб, пистачиликнинг сир-асрорларини ўргатмоқда. Вилоят ҳокими ушбу ҳудуддаги “Golden walley 5” фермер хўжалиги томонидан ташкил этилаётган пистачиликни ривожлантириш лойиҳаси билан танишди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-16 09:55:55